

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Таштемиров Анвар Алиқулович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Маъмурий ҳуқуқ кафедраси доценти.

E-mail: anvartoshtemirov05031979@gmail.com.

Қутлимаратов Ислон Усман ўғли

ИИВ Академияси 3-ўқув курси 318-гуруҳ курсанти.

Аннотация: *Ушбу мақолада профилактика инспекторининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий асослари кенг ёритилган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки, улар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш механизмлари ва шакллари таҳлил қилинган. Шунингдек, профилактика инспектори фаолиятида жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада мавжуд ташкилий муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ҳамда ҳамкорлик самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *Профилактика инспектори, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ташкилий асослар, ҳамкорлик механизмлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоатчилик институтлари, жамоат тартиби, профилактик фаолият.*

Бугунги кунда жамиятда қонунийликни таъминлаш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспектори фаолияти алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этишда давлат органлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоатчилик институтларининг фаол иштирокини таъминлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида жамоатчилик иштирокини кучайтириш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса профилактика инспекторларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини ташкилий жиҳатдан тўғри йўлга қўйишни тақозо этмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ижтимоий хавфли ҳолатларни барвақт аниқлаш, муаммоли оилалар, ёшлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар билан ишлашда муҳим

ўрин тутади. Ушбу йўналишларда профилактика инспектори ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг аниқ ташкилий асосларини белгилаш профилактик фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу муносабат билан мазкур мақолада профилактика инспекторининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини ташкил этишнинг асосий йўналишлари, ҳуқуқий ва ташкилий механизмлари, шунингдек, амалиётда учраётган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш масалалари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим рол ўйнамоқда¹⁰.

Шу билан бирга ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишда, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

биринчидан, давлатнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик жамияти билан самарали, конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилмаган, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёжлари тизимли таҳлил қилинмаяпти, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдонлар яратилмаган;

иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш даражасининг пастлиги барча ижтимоий гуруҳларнинг турли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифодаланадиган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инобатга олишга имкон бермаяпти;

учинчидан, етарли қонунчилик базаси яратилганлигига қарамай, ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг кўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий ғояларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олмайди;

тўртинчидан, мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион ғояларни таклиф қилувчи фаол, ўзининг ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари лозим даражада амалга оширилмаяпти;

бешинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш жараёнларини, уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи қонунчилик нормаларида ортиқча бюрократик талаблар ва ғовлар назарда тутилган бўлиб, бу нормалар эскирган ва замон талабларига жавоб бермайди;

олтинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қўлланилаётган идоралараро ҳамкорлик усуллари самарасиздир, давлат органлари ўртасида маълумотлар ва ахборот алмашишнинг ягона механизмлари мавжуд эмас;

еттинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техника таъминоти ҳанузгача қониқарсиз ҳолатда қолмоқда, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчиликни қўллаб-қувватлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ўрта муддатли ва узоқ муддатли кенг кўламли ҳамда умумреспублика миқёсидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга имкон бермаяпти.

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда, жинойатчиларни фош этишда ҳамда ҳуқуқбузарларга нисбатан таъсир чораларини амалга оширишда жамоатчилик ёрдамидан кенг фойдаланиб, самарали натижаларга эришилмоқда. Бироқ шунга қарамай, республикамизда жинойатчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда жамоатчилик билан ҳамкорликни ташкил этиш ва такомиллаштириш ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида долзарблигича қолмоқда.

2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ва ушбу қонун ижроси бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларга асосан профилактика (катта) инспектори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади:

– аҳоли, энг аввало ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган тадбирлар, ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш;

– ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вояга етмаганлар ва ёшларни оммавий маданиятнинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиш;

– оила-турмуш муносабатлари соҳасида ғайриижтимоий хулқатвор, қилмиш, турмуш тарзи ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича чоратадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурида яраштириш, маърифат ва маънавият масалалари, хотин-қизлар билан ишлаш, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссияларининг аъзоси сифатида иштирок этиш, шунингдек, бошқа йўналишлар бўйича комиссияларга улар ваколатлари доирасидаги масалаларни кўриб чиқишда кўмаклашиш;

– хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг олиб борилишида амалий ёрдам кўрсатиш;

– виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш, рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг, диний экстремизмнинг олдини олиш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик, шунингдек, уларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан биргаликда чора-тадбирларни амалга ошириш;

– озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган, шартли ҳукм қилинган, жазони ижро этиш муассасаларидан шартли озод этилган, маъмурий назорат ўрнатилган, профилактик ҳисобда турган ва бошқа шу каби шахсларнинг турмуш тарзини назорат қилиш, улар билан тарбиявий-профилактик ишларни олиб бориш;

– маҳаллада хавфсизликни таъминлаш мақсадида хонадонларга кириб чиқиб, фуқароларнинг оилавий турмуш тарзини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни тегишлилиги бўйича ҳал этиш чораларини кўриш;

– фуқароларга паспорт тизими қоидасига амал қилган ҳолда яшашлари шартлиги, доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшашларига йўл қўймаслик, хонадонларини ноқонуний равишда ижарага бермаслик юзасидан тушунтиришлар олиб бориш;

– маъмурий ҳудуддаги кафе, бар, ҳаммом ва бошқа кўнгилочар муассасалар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва амалга ошириш натижалари бўйича ахборот алмашиш; – профилактик ҳисобда турган шахсларга маҳалла фаоллари ва жамоатчилик вакиллари мураббийлар бириктириш, уларни кенг жалб этган ҳолда тарбиявий таъсир чораларини кўриш;

– маъмурий ҳудудда истиқомат қилувчи фуқароларнинг узоқ муддатга чет элга чиқишлари ва қайтиб келишларининг ҳисобини юритишда кўмаклашиш;

– жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, содир этилган жиноятларни фож этиш, қидирувдагиларни аниқлаш, фуқароларни огоҳликка чақириш, уларни турли хил тажовузлардан ҳимояланиш усуллари билан таништириш, шунингдек, зарурий муҳофаа, охириги

зарурат қоидаларига риоя этган ҳолда ҳимояланиш йўлларини ўргатиш бўйича тадбирларини биргаликда амалга ошириш;

– жамоатчилик тузилмаларига қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларни амалга оширишда фуқаролар йиғини раиси билан биргаликда раҳбарлик қилиш, фаолиятини қўллаб-қувватлаш, методик ва амалий ёрдам кўрсатиш.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, жамоат тартибини таъминлаш, одамларнинг хушёрлиги ва ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга онгли муносабатини ошириш учун ўз ишларини фаоллаштириши даркор. Уларнинг вазифаси, асосий бурчи – маҳалла аҳлининг, бутун жамоатчиликнинг сергаклигини бир эмас, бир неча марта ошириш, «Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик!» деган даъватни ҳаётга жорий этишдан иборат бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 9 yanvardagi "Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to'g'risida"gi PF-5618-son Farmoni.

2. Таштемиров А. А., Комилов А. М. Ў. Одам савдоси жиноятига қарши курашишни такомиллаштиришга оид айрим мулоҳазалар //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 135-138.

3. Таштемиров, А. А. "Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг ҳамкорлиги." O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali 2.25 (2023): 32-40.

4. Таштемиров, А. А. "Ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари." So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi 6.12 (2023): 454-461.

5. Tashtemirov A., Baxtiyorov S. Profilaktika inspektorining jinoyat ishlar bo 'yicha sudlar bilan hamkorligining o 'ziga xos xususiyatlari //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 38-42.

6. Tashtemirov A., Usmonova Y. Profilaktika inspektorining yashash manzillaridan uzoq muddatga ketgan shaxslar bo'yicha ishlash faoliyatini huquqiy ta'minlash //Наука и технология в современном мире. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 59-61.

7. Tashtemirov A., Usmonova Y. Profilaktika inspektorining yashash manzillaridan uzoq muddatga ketgan yoshlar bilan ishlash faoliyatining o 'ziga xos

xususiyatlari //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 51-52.

8. Tashtemirov A., Raxmonqulov S. Profilaktika inspektorining yashash manzillaridan uzoq muddatga ketgan shaxslar bilan ishlash faoliyatining tushunchasi //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 62-67.

9. Tashtemirov A., Sadullaev M. Huquqbuzarliklar profilaktikasini amalga oshirishda iolari profilaktika inspektorlarining bojxona xizmati bilan hamkorligining tashkiliy-huquqiy asoslari //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 50-53.

10. Таштемиров А. А. и др. Психологическая поддержка деятельности инспекторов профилактики в работе с лицами, осужденные к наказанию исправительные работы //International scientific research conference. – 2024. – Т. 3. – №. 28. – С. 97-102.

11. Таштемиров, А. А. "Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги." Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук 2.10 (2022): 42-48.

12. Таштемиров, А. А. "Йулларда харакатланишни тартибга солишнинг хукукий жихатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти." siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali 1.2 (2022): 111-115.